

**Bundesamt für Migration
Office fédéral des migrations
Ufficio federale della migrazione
Federal Office for Migration**



**Швейцариядаги кабаре раққосалари учун
маълумотлар**

Шу брошюрада кўрсатилган соҳаларнинг биронтасида муаммолар бор бўлса охирида келтирилган ташкилотларнинг бирига мурожаат қилинг

I.Туриш шароити

- Ёшингиз камида 20-да бўлиши шарт.
- L қисқа вақтли туриш руҳсати фақат кабаре раққосаси сифатида ишлаш учун ва энг узоғи 12 ой мобайнида 8 ой туриш учун берилади.
- Мамлакатга кириш пайтида сизда жами тўрт ой учун кабаре раққосаси сифатида ишлаш учун шартномалар бўлиши шарт. Жиддий сабабларсиз шу шартномалар сизнинг ёки иш берувчинингиз томонидан бекор қилиниши мумкин эмас.

II.Иш

Меҳнат шартномаси

- Меҳнат шартномаси сизнинг иш берувчингизга нисбатан ҳуқуқ ва мажбуриятларингизни бошқаради. Шунинг учун барча шартнома ёзувларини ўқиб чиқишингиз жуда муҳим. Шартнома сиз яхши тушунадиган тилда ёзилишини талаб қилинг.
http://www.bfm.admin.ch/bfm/de/home/themen/arbeit/nicht-eu_efta-angehoerige.html манзилида „Артистлар шартномалари“ сарлавҳасининг тагида 13 тилда ёзилган намунали шартномаларни топишингиз мумкин. Шу шартномага сиз, иш берувчингиз ва агентлик имзо чекиши шарт.
- Агар иш берувчи шартнома шартларини бажармаса, унда сиз кантоннинг меҳнат судига ёки шу ёзма охирида келтирилган ташкилотларнинг биттасига мурожаат қилишингиз мумкин.

Фаолият

- Сизнинг фаолиятингиз фақат битта нарсадан иборат бўлиши шарт ва бу нарса саҳнада мусиқа давомида қисман ёки бутунлай ечиниш ва шу ҳаракатни ҳар оқшом кўп марта қайтаришдир.
- Меҳмонларни алкоголь ичимликларни истеъмол қилишга ва фоҳишалик тақиқланади. Шартномада ёзилмаган хизматларни кўрсатиш керак эмас ва мумкин эмас. Агар тазйиқларга дуч келсангиз ёрдам қидиринг. Агар фоҳишалик хизматларида фаолият

кўрсатаётган бўлсангиз полиция ходимлари томонидан ўтказиладиган назорат натижасида Швейцариядан ҳайдалиш ҳавфи остига тушасиз.

Ҳимоя

- Сизнинг иш берувчингиз шахсингизни ва соғлигингизни ҳимоя қилиш ва ҳурмат қилиши шарт. Мисол учун, у сизни меҳмонлар билан акогол ичимликларини истеъмол қилишга мажбур қилиши мумкин эмас, чунки ортиқ даражадаги алкоголь миқдори соғлигингизга зарар етказиши мумкин. Иш берувчи сиздан меҳмонлар ва ўзгалар билан ҳеч қандай шахвоний ҳаракатларни амалга оширишни талаб қилиш мумкин эмас.
- Кабаре ёки агентлик сиз иштирок этган реклама материалларни (расмлар ва ҳок.) Интернет ёки бошқа оммавий ахборот воситаларида сизнинг ёзма розилигингизсиз ўрнатиши мумкин эмас.

Иш вақти (Тафсилотлар меҳнат шатномасида берилган)

- Иш вақти шартномада ёзилиши керак.
- Ҳар ҳафта камида бир кун дам олишга ҳақингиз бор.
- Ҳар ой жами максимал 23 кун ишлашингиз мумкин.
- Агар иш берувчингиз шартномада кўрсатилгандан кўпроқ иш соатларини талаб қилса, унда у тенг давомийликдаги вақтни дам олиш учун бериш керак ёки шу вақт учун баландроқ иш ҳақини тўлаши керак. Иш берувчингизга иш вақтидан ташқаридаги иш учун тўлаш кераклигини тортинмай эслатинг.
- Иш берувчи сиздан ҳафтада 50 соатдан кўпроқ ишлашни талаб қилиши мумкин эмас.

Иш ҳақи

- Сизнинг ойнинг охирида талабсиз бериладиган ёзма ва батафсил иш ҳақи ҳисобномасини олишга ҳақингиз бор. Имзоингиз билан тўғрилигини тасдиқлашдан олдин уни текшириб олинг.
- Иш берувчи сизнинг иш ҳақингизни ҳар ой сиз бевосита мамлакатга келганда номингизга очган швейцариялик почта ёки

банк ҳисобингизга ўтказди. Шу ҳисобни фақат сиз ишлатишингиз мумкин.

- Ҳисобингиздаги иш ҳақи келишини мунтазам равишда текширинг.
- Иш берувчи фақат шартномада кўрсатилган иш ҳақи ечимларини амалга ошириши мумкин.

www.asco-nightclubs.ch/artistenvertrag/de.html манзилида иш ҳақини ҳисоблаш моделини топасиз.

Тиббий текширув

- Кечки ишда ишлашингиз учун дастлабки 5 кун ичида тиббий текширувдан ўтишингиз керак, ундан кейин ҳар икки йилда.
- Иш берувчи сизга ҳар ой 25 швейцариялик франк миқдорида текширув харажатларини қайтариши лозим.

Йўл харажатлари

- Иш берувчи сизга ҳар ой йўл харажатлари жамининг саккиздан бирини қайтариши керак.
- Турли мамлакатлар минтақаларининг рўйхатини шу ерда топасиз:

http://www.bfm.admin.ch/etc/medialib/data/migration/rechtsgrundlagen/weisungen_und_kreisschreiben/weisungen_auslaenderbereich/aufenthalt_mit_erwerbstaetigkeit.Par.0007.File.tmp/Reisekostenpauschale-d_f.pdf

Меҳнат бозорида фаолият кўрсатиш йиғимлари

Сиз фақат L-ҳужжатингиз учун пул тўлашингиз керак. Бундан ташқари туриш руҳсати билан боғлиқ ва сиз тўлашингиз керак бўлган ҳеч қандай харажатлар йўқ.

Воситачилик йиғими

Сизнинг ойлигингиздан ечиладиган воситачилик йиғими ялпи ойлик маошингизнинг 8%-идан кўп бўлмаслиги керак (ҳаттоки бир неча агентликлар бор бўлса ҳам), бундан ташқари миқдори деярли 0.6% бўлган қўшимча қиймат солиғи тўланади. Сиз Швейцарияда

туришингизни ташкил қилиш билан боғлиқ бошқа ҳеч қандай тўловларни амалга оширишингиз керак эмас.

Суғурталар

- Швейцариядаги барча ишчиларга ўхшаб сиз ҳам ишсизлик, қариллик ва ногиронлик суғурталарининг бадалларини тўлашингиз шарт. Улар бевосита ойлигингиздан ечилади.
- Агар 12 ой давомида қариллик суғуртасининг (AHV) бадалларини тўлаган бўлсангиз, уларни мамлакатдан кетиш пайтида қайтариб олишингиз мумкин (Caisse Suisse de compensation, 18, avenue Edmond Vaucher, 1211 Genève 28, Tel: 022 / 795 91 11). Ойлик ҳисоботларини AHV-қайтариш талаблари учун сақлаб қолинг.
- Сизнинг иш берувчингиз қиқса вақт ичидаги иш ҳолатида ҳам сиз учун тиббий ва бахтсиз ходиса суғурталарини ташкил қилиши керак. Тиббий суғуртанинг бадаллари ойлигингиздан ечилади. Суғурта ходимларидан иш берувчи сизни суғурта қилганлиги тўғрисида сўраб олинг. Шу суғурта шифокорларга кириш ва касалхонада ётиш харажатларини қоплайди.
- 250 швейцариялик франк миқдоридаги франшизани (90 кун давомидаги харажат иштироки) сиз фақат тиббий даволаниш харажатларини тиббий суғурта томонидан тўланишини хоҳласангиз тўлашингиз керак. Бундай ҳолатда иш берувчингиз биринчи шифокор қабулида жами 250 швейцариялик франкни тўлаб ойлигингиздан ечади. Агар франшизанинг уч ойлик давомийлигидан сўнг тиббий харажатлар 250 швейцариялик франкдан кам бўлса, унда сиз тиббий суғуртадан фарқини қайтаришни талаб қилишингиз мумкин. Агар шифокор керак бўлмаса ёки текширишни тиббий суғуртага тўлаттирмасангиз унда 250 швейцариялик франк миқдорини тўлашингиз керак ЭМАС.
- Касаллик: тўртинчи касал бўлиш кунидан бошлаб иш берувчингиз сизга кунига 50 швейцариялик франк тўлаши керак. Бунинг учун сиз унга шифокордан ҳужжатни кўрсатишингиз керак.
- Бахтсиз ходиса: агар сиз бахтсиз ходисага дуч келган бўлиб шунинг учун ишлай олмайдиган бўлсангиз, бахтсиз ходисадан кейинги 3 кундан бошлаб ойлигингизнинг 80% оласиз.

- Швейцарияда ишсиз туриш вақти учун (макс. 1 ой) тиббий ва бахтсиз ходиса суғурталарини ўзингиз амалга оширишингиз керак.

Солиқлар

Кабаре рақосаси сифатида сиз даромад манбаси солиғини тўлашингиз шарт. Иш берувчи шу солиқни бевосита ойлигингиздан ечади.

Яшаш

- Агар иш берувчи сизга хонадонни берса, унда у шунинг учун ижара пулини ойликдан ечиб олади. Сиз яшаш учун меҳнат шартномасида келишилгандан ортиқ пул тўламаслигингиз керак. Қўшимча харажатлар шунинг ичига кириши керак ёки аниқ номланиши керак.
- Сиз бир хоналик хонадонда яшашга ҳақингиз бор, ва шу хонадон катталиги, жиҳозланиши ва ижара пули жиҳатларидан швейцариялик стандартларга мос келиши керак (масалан, оқадиган иссиқ ва совуқ сув, ёруғлик, тозалик, қулфланиш). Етишмовчиликлар тўғрисида ижарага берувчига ёки воситачилик агентлигига дарҳол маълумот беринг.
- Калит бинодан чиқётганда қолдирилиши керак эмас.
- Хонадонингизга ким кириши ва кирмаслиги ҳақида фақат сиз ҳал қиласиз. Сиз меҳмонларни қабул қилишингиз мумкин, аммо хонадонингизда сиз меҳнат фаолиятини амалга оширишингиз мумкин эмас.

Мажбуриятлар ва меҳнат шартномасини бекор қилиш

Шартномангиз аниқ вақт учун тузилади.

- Шу вақт давомида иш берувчи шартномани бекор қилиши мумкин эмас, ҳаттоки биринчи кунларда ҳам, агар жидий сабаблар йўқ бўлса. Сиз қилган кичик ҳатолар, масалан, бир-икки дақиқага кечиккан бўлсангиз, шартномани бекор қилиш учун етарли сабаб бўлмайди. Сиз яна мажбуриятларингизга тегишли ҳуқуқингизни ҳимоя қилиб мижоз билан алкоголь истеъмол қилиш ёки шахвоний муносабатларга киришдан бош тортсангиз ҳам иш берувчи шартномангизни бекор қилиши мумкин эмас.

Сиз ҳам шартнома келишувларига риоя қилишигиз керак. Агар, шунга қарамай, соғлигингиз ва обрўингизга зарар етказадиган шароитларда ишлашга мажбурландиган бўлсангиз, унда бу шартномани дарҳол бекор қилиш учун етарли сабаб бўлади. Баҳслар ҳолатида сиз сабабларингизни исботлашингиз керак бўлади (гувоҳлар). Мажбурлашни ишлатиш ҳолатида исботлаш учун, дарҳол шифокор ва/ёки полицияга мурожаат қилишингиз зарур.

III. Қотиллик қурбонларини ҳимоялаш

- Швейцарияда сизнинг идоровий ҳимояга ҳақингиз бор. Агар бирон қонунбузарлик қурбони бўлсангиз (масалан шакастланиш, зўрлаш, ўғирлик), дарҳол яқинда жойлашган полиция пунктида ариза ёзинг.
- Агар сиз кабаре раққосаси сифатида фаолият кўрсатган пайтда пулларингиздан ажралиб воситасиз қолган бўлсангиз, аниқ шароитларда сизга уйга қайтиш учун ёрдам берилиши мумкин (қайтиш ёрдами). Кантоннинг қайтиш маслаҳати идорасига мурожаат қилинг. Манзилини қуйидагида топасиз :
http://www.bfm.admin.ch/etc/medialib/data/migration/rechtsgrundlagen/weisungen_und_kreisschreiben/weisungen_asyl/rueckkehr-_und_wiedereingliederungshilfe/pilotprojekt_rueckkehrhilfe.Par.0004.File.tmp/Flyer_Pilotprojekt_AuG-d.pdf
- Агар сиз аёллар савдоси қурбони бўлсангиз, маҳсус қурбонларни ҳимоя қилиш тадбирлари бор. FIZ Makasi (<http://www.fiz-info.ch/makasi/> Tel: 044 / 240 44 22) ташкилоти, масалан, йўл харажати ва воситачилик учун катта миқдордаги қарзлар учун устидан мажбурлаш, қўрқитиш ва массив тазйиқ ишлатилган қурбонлар учун маслаҳат ва интенсив кузатув, хавфсиз бошпана, тиббий таъминот ва яшаш учун керакли нарсалар бериши мумкин.

**Саволлар туғилган ва фавкулдда вазият пайтларида
мурожаат қиладиган жойлар :**

Aliena: Webergasse 15, 4058 Basel, Tel. 061 / 681 24 14,
E-Mail: aliena@compagna-bs.ch

Aspasie: Rue de Monthoux 36, 1201 Genève, Tel. 022 / 732 68 28,
E-Mail: aspasie@aspasie.ch

FIZ: Badenerstrasse 134, 8004 Zürich, Tel. 044 / 240 44 22
E-Mail: contact@fiz-info.ch

Isla Victoria: Schöneeggstrasse 27, 8026 Zürich, Tel: 044 / 291 66 00
E-Mail: isla.victoria@stadtmission.ch

Maria Magdalena: Sternackerstrasse 10, 9000 St. Gallen, Tel. 071 / 229 21 67
oder 079 / 413 06 86, E-Mail: info.mariamagdalena@sg.ch

Mayday: Via Zurigo 17, 6900 Lugano, Tel. 091 / 923 18 64
E-Mail: may.day@sunrise.ch

Xenia: Langmauerweg 1, 3011 Bern, Tel. 031 / 311 97 20/40/60 (thai)
E-Mail: info@xeniabern.ch, www.verrein-xenia.ch

Фавкулдда вазият телефон рақамлари:

ПОЛИЦИЯ: 117 - КАСАЛХОНА: 144 - ЎТ ЎЧИРИШ: 118

ASCO (Кабаре вакиллари) ваколатхонаси: Kirchplatz 1 / Postfach 533;
8853 Lachen (SZ), фавкулдда вазиятларда: ASCO-Fax: 044 / 371 89 11,
Уяли телефон: 076 / 315 32 72 (иш кнлари соат 15–дан 18-гача)